

**ФАРҒОНА ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ ҲУЗУРИДАГИ
ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ DSc.03/30/12/2019. Fil.05.02
РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

ҚЎҚОН ДАВЛАТ ПЕДАГОГИКА ИНСТИТУТИ

САИДАКБАРОВА МУҚАДДАС МУҲАММАДРАҲИМОВНА

**АЛИШЕР НАВОИЙ ИЖОДИДА ИЖТИМОИЙ ҒОЯЛАРНИНГ
ТАРИХИЙ-БАДИИЙ ТАЛҚИНИ**

10.00.02 – Ўзбек адабиёти

**ФИЛОЛОГИЯ ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)
ДИССЕРТАЦИЯСИ**

АВТОРЕФЕРАТИ

Фарғона– 2021

УЎК: 821.512.133(092)

**Филология фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси
автореферати мундарижаси**

**Оглавление автореферата диссертации доктора философии (PhD) по
филологическим наукам**

**Contents of the Abstract of the Dissertation of the Doctor of Philosophy (PhD)
on philology**

Саидакбарова Муқаддас Муҳаммадраҳимовна

Алишер Навоий ижодида ижтимоий ғояларнинг тарихий-бадий
талқини.....5

Саидакбарова Муқаддас Муҳаммадраҳимовна

Историко-художественная интерпретация общественных идей в творчестве
Алишера Навои.23

Saidakbarova Mukaddas Muhammadrahimovna

Historical-artistic interpretation of social ideas in the works of Alisher
Navoi.....44

Эълон қилинган ишлар рўйхати

Список опубликованных работ

List of published works..... 48

**ФАРҒОНА ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ ХУЗУРИДАГИ
ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ DSc.03/30/12/2019. Fil.05.02
РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

ҚЎҚОН ДАВЛАТ ПЕДАГОГИКА ИНСТИТУТИ

САИДАКБАРОВА МУҚАДДАС МУҲАММАДРАҲИМОВНА

**АЛИШЕР НАВОИЙ ИЖОДИДА ИЖТИМОЙЙ ҒОЯЛАРНИНГ
ТАРИХИЙ-БАДИИЙ ТАЛҚИНИ**

10.00.02 – Ўзбек адабиёти

**ФИЛОЛОГИЯ ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

Фарғона – 2021

Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида В2020.3.PhD/Fil.498. рақам билан рўйхатга олинган.

Диссертация Қўқон давлат педагогика институтида бажарилган.

Диссертация автореферати уч тилда (ўзбек, рус, инглиз (резюме)) Илмий кенгаш веб-саҳифасида(www.fdu.uz) ва «Ziyounet» Ахборот таълим порталида (www.ziyounet.uz) жойлаштирилган.

Илмий раҳбар:

Жўраев Ҳабибулло Абдусаломович
филология фанлари доктори, профессор

Расмий оппонентлар:

Тожибоева Муқаддас Абдурахимовна
филология фанлари доктори, профессор

Раджабова Буробия Тангировна
филология фанлари номзоди, катта илмий ходим

Етакчи ташкилот:


Жиззах давлат педагогика институт


Диссертация ҳимояси Фарғона давлат университети, ҳузуридаги DSc.03/30/12/2019. Fil.05.02 рақамли Илмий кенгашининг 2021 йил «22» сентябрь соат 13:00 даги мажлисида бўлиб ўтади (Манзил: 100151, Фарғона шаҳри, Мураббийлар кўчаси 19. Тел: (99873) 244-44-29; факс: (99873) 244-66-03; e-mail: fardu_info@umail.uz).


Диссертация билан Фарғона давлат университетининг Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин (109 рақами билан рўйхатга олинган). (Манзил: 100151, Фарғона шаҳри, Мураббийлар кўчаси 19. . Тел: (99873) 244-44-02).

Диссертация автореферати 2021 йил «10» сентябрь куни тарқатилди.
(2021 йил «10» сентябрь даги 22 рақамли реестр баённомаси).




А.А. Қосимов
Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш раиси, филол. ф.д., профессор


М.Т. Зокиров
Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш котиби, филол. ф.н., доцент


А.Ф. Сабирдинов
Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш қошидаги илмий семинар раиси филол. ф.д., доцент

КИРИШ (фалсафа доктори (PhD) диссертацияси аннотацияси)

Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати. Жаҳон адабиётшунослигида маълум даврлардаги адабий муҳитнинг ижтимоий-сиёсий аҳамиятига доир масалалар бадиий асарлар асосида мунтазам ўрганилмоқда. Бадиий адабиётда шу каби умумбашарий муаммоларни Алишер Навоий адабий, илмий-тарихий мероси асосида ёритиш жараёни изчил давом этмоқда. Инсоният тамаддунининг алоҳида босқичларида ижтимоий-сиёсий муҳит таъсирида адабий жараёнда ҳам, жанрлар тизимида ҳам, образ ва қаҳрамонлар талқинларида ҳам, ғоя ва мавзу доирасида ҳам янгиланишлар, юксалишлар яққол кўзга ташланади. Ўтмиш адабий-маданий меросидаги устувор ижтимоий ғояларни давр руҳиятидан келиб чиқиб, амалиётга татбиқ этиш муҳим аҳамиятга эга.

Дунё адабиётшунослигида темурийлар давридаги Мовароуннахр ва Хуросон давлатларида рўй берган ижтимоий-сиёсий ва маданий ҳаётдаги ўзгаришлар, айниқса, Навоий ижодида ижтимоий ғояларнинг тарихий-бадиий талқини муаммосини илмий-назарий жиҳатдан ўрганишга бўлган эътибор янада кучаймоқда. Бу эса ҳозирги адабиётшуносликда ўрта асрлар тарихнавислигининг хусусиятлари ва бадиий ижод билан алоқадорлигини беназир ижодкор мероси асосида ёритиш, шунингдек, миллий-маънавий қадриятлар тизими, асарларидаги ранг-баранг образларнинг ғоявий-эстетик функцияларини аниқлаш заруриятини юзага келтиради. Иккинчи Ренессанснинг даҳо сўз санъаткори, улуғ амири, давлат ва жамоат арбоби – Алишер Навоийнинг бой бадиий-илмий меросида акс этган ижтимоий ғояларнинг талқини адабиётшунослик соҳасидаги зарурий масалалардан хисобланади.

Миллий истиқлол туфайли халқимизнинг асрий маънавий қадриятларини тиклаш, узоқ ва яқин тарихдаги маданий-адабий меросни ўрганиш, хусусан, Алишер Навоий ижодида ижтимоий-фалсафий ғояларнинг тарихий-бадиий талқини, шоир асарларида ижтимоий ва поэтик фикр уйғунлиги, бадиий тасвир воситаларининг ижодкор тафаккурини акс эттиришдаги ўрни атрофлича ёритилган. Шунга қарамасдан, Навоий асарларидаги ижтимоий ғояларнинг бадиий-тарихий талқинлари доирасини мукаммаллаштиришга, кенгайтиришга эҳтиёж сезилади. Бинобарин, “Жонажон Ватанимиз “Миллий тикланишдан – миллий юксалиш сари” деган бош тамойил асосида тараққиётнинг бутунлай янги босқичига қадам қўйиб, янги Уйғониш даври – Учинчи Ренессанс пойдевори яратилаётган бугунги кунда Алишер Навоийнинг безавол адабий мероси мисолида ўзбек адабиёти ва маданиятини чуқур ўрганиш ва оммалаштириш ҳар қачонгидан ҳам муҳим аҳамият касб этмоқда”¹. Зеро, шоирнинг ижодий мероси таркибида бевосита тарихга оид “Тарихи мулуки Ажам”, “Тарихи анбиё ва ҳукамо” асарлари адабий-эстетик салоҳияти, ижтимоий-фалсафий, маънавий-ахлоқий қарашларининг ҳам ёрқин

¹ Мирзиёев Ш.М. “Буюк шоир ва мутафаккир Алишер Навоий таваллудининг 580 йиллигини кенг нишонлаш тўғрисида”ги ПҚ-4865-сон Қарори // Халқ сўзи. – 2020 йил, 20 октябрь. № 220.

ифодасидир. Жумладан, Навоийнинг миллий давлатчилик асослари ҳақидаги мушоҳадаларини юқорида зикр этилган асарлари асосида умумлаштирилган ҳолда, янги Ўзбекистон даврида ижтимоий-сиёсий ва адабий-назарий тафаккур даражасидан туриб тадқиқ этиш навоийшунослик олдида турган муҳим вазифалардан биридир.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 17 февралдаги ПФ-4947-сон “Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида”, 2019 йил 21 октябрдаги ПФ-5850-сон “Ўзбек тилининг давлат тили сифатидаги нуфузи ва мавқеини тубдан ошириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги фармонлари, 2017 йил 13 сентябрдаги ПҚ-3271-сон “Китоб маҳсулотларини нашр этиш ва тарқатиш тизимини ривожлантириш, китоб мутолааси ва китобхонлик маданиятини ошириш ҳамда тарғиб қилиш бўйича комплекс чора-тадбирлар дастури тўғрисида”, 2020 йил 19 октябрдаги ПҚ-4865-сон “Буюк шоир ва мутафаккир Алишер Навоий таваллудининг 580 йиллигини кенг нишонлаш тўғрисидада”, қарорлари ва мазкур фаолиятга тегишли бошқа меърий-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишга ушбу диссертация тадқиқоти муайян даражада хизмат қилади.

Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига боғлиқлиги. Мазкур тадқиқот республика фан ва технологиялари ривожланишининг 1. “Ахборотлашган жамият ва демократик давлатни ижтимоий, ҳуқуқий, иқтисодий, маданий, маънавий ва маърифий ривожлантиришда инновацион ғоялар тизимини шакллантириш ва уларни амалга ошириш йўллари” устувор йўналишига мувофиқ бажарилган.

Муаммонинг ўрганилганлик даражаси. Буюк мутафаккир Алишер Навоий илмий-ижодий мероси ва фаолиятини тадқиқ этиш масалалари ўрта асрларданок бошлаб юборилган бўлиб, бу адабиётшунослик илмида навоийшунослик фанининг шаклланишига асос бўлди. Тадқиқотларда қисман бўлса-да, бизнинг мавзуимизга алоқадор фикр-мулоҳазалар ҳам учрайди, хусусан, Э.М.Катрмер, П.де Куртейль, А.Мец, М.Никитский, И.Ю.Крачковский, И.Н.Березин, Е.Э.Бертельс, М.Сабтелни каби хорижлик олимлар ва ўзбекистонлик адабиётшунослардан В.Абдуллаев, Ғ.Каримов, Б.Валихўжаев, Н.Маллаев, М.Шайхзода, Ойбек, И.Султон, С.Ғаниева, А.Қаюмов, А.Ҳайитметов, Л.Халилов, А.Семенов, Н.Комилов, Р.Воҳидов, Л.Зоҳидов, М.Имомназаров, С.Олим, М.Муҳиддинов, И.Ҳаққулов, Ш.Сирожиддинов, Ҳ.Болтабоев, М.Муҳиддинов, Ҳ.Жўраев, Қ.Эргашев, Б.Раджапова, М.Ҳомидова, Д.Юсупова, О.Жўрабоев, О.Давлатов, И.Пардаева каби бир қатор тадқиқотчилар шулар жумласидандир². Юқорида тилга

² Quatremere M. Chrestomathie en Turk Oriental. Ier fascicule. – Paris: Typographie de Firmin Didot Freres, Impriurs de L’Institut de France, 1841; Pavet de Courteille. Dictionnaire turc-oriental. Paris, 1870; Мец А. Мусульманский ренессанс. – Москва: Наука, 1973; Никитский М. Эмир Низом Эд-Дин Али Шир в государственном и литературном его значении. – Санкт-Петербург, 1856; Березин И.Н. Турецкая хрестоматия. 1-й том. – Казань: Типография университета, 1857; Бертельс Е.Э. История персидско-таджикской литературы. – Москва: Наука, 1960; Бертельс Е.Э. Навои и Джами // Избранные труды. – Москва: Наука, 1965; Бертельс Е.Э. История литературы и культуры Ирана // Избранные труды. – Москва: Наука, 1988; Ойбек. Навоий гулшани. – Тошкент: Фан, 1997; Абдуллаев В. Ўзбек адабиёти тарихи. – Тошкент: Ўқитувчи, 1980;

олинган илмий тадқиқот ва мақолаларда Алишер Навоий ижодида ижтимоий – фалсафий ғояларнинг тарихий-бадий талқини, тарихий воқеа-ҳодисалар, образлар тасвирланган асарларининг мазмуни ҳамда ижтимоий ва поэтик фикр уйғунлиги, бадий тасвир воситаларининг ижодкор тафаккурини акс эттиришдаги ўрни ва аҳамияти хусусидаги илмий маълумотлар берилганлиги билан аҳамиятлидир.

Навоийшунос олимлар А.Ҳайитметов, А.Қаюмов фикрларига кўра “Хамса” дostonларида ҳамда бой лирик меросида шоир ўзининг тарихий асарларида ёритилган факт, маълумот ва хабарларга қайта-қайта мурожаат қилган, айнан “Тарихи мулуки Ажам”га мутахассислар кўпроқ илмий³, тарихий манба сифатида ёндашадилар.⁴ “Тарихи мулуки Ажам”нинг илмий-танқидий текстини яратишда ва илмий доирада оммалаштиришда Л.Халиловнинг алоҳида хизмати бор.⁵ Қ.Эргашев биринчи бор “Тарихи мулуки Ажам”да давлатлараро муносабатлар талқинига эътибор қаратиб, асардаги факт ва маълумотлар ҳаққонийлигини ғарб тадқиқотчилари хулосалари билан муқояса қилган ва ўзининг қизиқарли фикр-мушоҳадаларини баён қилган.⁶ Б.Раджабова “Тарихи мулуки Ажам”да мулкка ободлик, барбодлик, халал етиши билан боғлиқ масалани Алишер Навоий ўзи қаламга олган ҳар бир ҳукмдорнинг мулкни идора қилиш, бошқариш

Каримов Ғ. Халқ, тарих, адабиёт. – Тошкент.: Ғафур Ғулом номидаги адабиёт ва санъат нашриёти, 1977; Маллаев Н. Ўзбек адабиёти тарихи. – Тошкент, 1965; Семенов А.А. Описание рукописей произведений Навои, хранящихся в Государственной публичной библиотеке УзССР. – Ташкент:Гостехиздат,1940;Валихўжаев Б. Арбаин ҳадис ва унинг таржималари //Алишер Навоийнинг адабий маҳорати масалалари (мақолалар тўплами).– Тошкент: Фан, 1993; Хўжаев С. Мақсуд Шайхзода Алишер Навоий ижодининг тадқиқотчиси сифатида // Тил ва адабиёт таълим. – 2003; Султонов И. Навоийнинг “Мезон ул-авзон”и ва унинг критик тексти: Филол.фан.ном...дисс. – Тошкент, 1948; Ғаниева С. Навоий насри нафосати. – Тошкент: ТДСҲИ, 2002; Тарихи мулуки Ажам. Нашрга тайёрловчилар: Халилов Л., Ғофуржонова Т.– Тошкент, 1974;. Ҳайитметов А. Темурийлар даври ўзбек адабиёти. – Тошкент: Фан, 1996; Қаюмов А. Дилкушо такрорлар ва руҳафзо ашъорлар.– Тошкент: Мумтоз сўз, 2011; Халилов Л. Текстологические исследование сочинения Алишера Навои «Тарихи мулуки Ажам». АКД. – Тошкент: 1975; Воҳидов Р. Алишер Навоийнинг ижод мактаби. – Бухоро: Бухоро нашриёти. – 1994; Зоҳидов Л. “Девони Фоний” бадииятига доир мулоҳазалар // Адабиёт кўзгуси. – 2010; Ҳаққул И. Камол эт касбким. – Тошкент: Чўлпон, 1991; Сирождидинов Ш. Алишер Навоий ҳаёти ва фаолиятига оид XV-XIX асрларда яратилган форс-тожик манбалари (Қиёсий типологик-текстологик таҳлил) Филол. фан. д-ри... дисс. – Тошкент, 1998; Болтабоев Ҳ. Мумтоз сўз кадри. – Тошкент: Мумтоз сўз, 2004; Имомназаров М. Миллий маънавиятимиз асослари. – Тошкент: Ўзбекистон файласуфлари миллий жамияти нашриёти, 2006; Олим Султонмурод. Накшбанд ва Навоий / Масъул муҳаррир Н.Комилов. – Тошкент: Ўқитувчи, 1996; Эргашев Қ. “Тарихи мулуки Ажам”да давлатлараро муносабатлар талқини” // O’zbek tili va adabiyoti, 2013.– № 1.– Б.25-29; .Жўраев Ҳ. А. Алишер Навоийнинг кексалик даври лирикаси: Филол . фан. номз. ...дисс. – Тошкент, 1993; Муҳиддинов М. Комил инсон – адабиёт идеали. – Тошкент: Маънавият, 2005; Комилов Н. Маънолар оламига сафар. – Тошкент: Тамаддун, 2012; Ражапова Б. Ўзум сори боқма, сўзим сори бок. – Тошкент: Turon zamin ziyo, 2015; Жўрабоев О. Навоий ва тарих.–Тошкент: Тамаддун, 2016; Давлатов О.Д. Алишер Навоий шеърлятида Қуръон оятлари ва ҳадисларнинг бадий талқини: Филол. фан. бўйича фал. д-ри (Phd). дисс... – СамДУ, 2017; Пардаева И. Алишер Навоий тарихий асарлари бадиияти: Филология фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертация автореферати. – Самарқанд, 2018; Юсупова Д. Алишер Навоийнинг тарихий ёдном ва турли мавзулардаги асарлари. e-adabiyot.uz; Ҳомидова М. Алишер Навоий “Садди Искандарий” дostonининг илмий-танқидий матни ва матний тадқиқи: Филол.фан.докт.дис... автореф. – Тошкент, 1994.

³ Ўзбек насри тарихидан. – Тошкент: Фан, 1982. – Б.51.

⁴ Қаюмов А. Дилкушо такрорлар ва руҳафзо ашъорлар. – Тошкент: Мумтоз сўз, 2011. – Б.234.

⁵ Халилов Л. Текстологические исследование сочинения Алишера Навои «Тарихи мулуки Ажам». АКД. – Тошкент:1975.

⁶ Эргашев Қ. “Тарихи мулуки Ажам”да давлатлараро муносабатлар талқини” // O’zbek tili va adabiyoti, 2013. – №1.– Б.25-29

услубини ижтимоий-сиёсий тушунчалар билан боғлаб ўрганган⁷. Сўнгги йилларда И.Пардаева Алишер Навоийнинг тарихий, хусусан, “Тарихи анбиё ва ҳукамо”, “Тарихи мулуки Ажам” асарларининг шоир ижодида тутган ўрни ва бадиий ўзига хослик масалалари бўйича тадқиқот ишларини олиб борди.⁸

Шу кунгача шоир ижодидаги тарихий воқеа-ҳодисалар, образлар тасвирланган асарларнинг мазмуни ҳамда ижтимоий ва поэтик фикр уйғунлиги, хусусан, “Тарихи мулуки Ажам”нинг тарихий-бадиий талқин тамойиллари, асардаги тарихий воқеа-ҳодисаларнинг шоир яшаган давр ва кишилар ҳамда воқелик билан ҳамоҳанг жиҳатлари монографик тарзда ўрганилган.

Тадқиқотнинг диссертация бажарилган олий таълим муассасасининг илмий-тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги. Тадқиқот мавзуси Қўқон давлат педагогика институти илмий-тадқиқот ишлари режасига мувофиқ “Поэтика муаммоларини ўрганиш” мавзусидаги илмий лойиҳа доирасида бажарилган.

Тадқиқотнинг мақсади Алишер Навоий асарларида акс этган ижтимоий-сиёсий воқеликка муносабат, ижтимоий-фалсафий асослари масаласи ва унинг тарихий-бадиий талқинини очиб беришдан иборат.

Тадқиқотнинг вазифалари:

XV асрда Мовароуннаҳр ва Хуросондаги ижтимоий-сиёсий жараён, адабий-маданий муҳит ва унда Алишер Навоийнинг қизгин ижодий ва ижтимоий-сиёсий фаолиятини шарҳлаш;

Шарқ халқлари тарихнавислик анъаналари ва уларга Алишер Навоий муносабатини белгилаш;

ўрта асрлар тарихнавислигининг етакчи хусусиятларини ва бадиий ижод билан алоқадор жиҳатларини Алишер Навоий мероси асосида ёритиш;

улуғ шоир асарларидаги мифологик, афсонавий ҳамда тарихий шахслар тимсолидаги образларнинг ғоявий-эстетик функцияларини аниқлаш;

Алишер Навоий ижодида ижтимоий-сиёсий воқелик, миллий давлатчилик асослари ифодасининг ўзбек мумтоз адабиёти тарихида тутган ўрни ва аҳамиятини асослаш;

асарларда акс этган ижтимоий-сиёсий воқеликка муносабат, ижтимоий-фалсафий асослари масаласи ва унинг тарихий-бадиий талқинини очиб бериш.

Тадқиқотнинг объекти сифатида Алишер Навоийнинг “Тарихи мулуки Ажам” асари танланган. Шунингдек, ўрни билан шоирнинг лирик шеърлари, “Садди Искандарий”, “Сабъаи сайёр” дostonлари ва бошқа адабий, илмий-филологик, хотира асарларига ҳам мурожаат қилинган.

Тадқиқотнинг предмети Алишер Навоийнинг мавзуга алоқадор илмий-филологик, бадиий асарлари, замондошлари ва ҳозирги давр адабий-назарий қарашлари акс этган манбалар таҳлили, мавзу, жанр ва композицион

⁷ Раджабова Б..Навоийнинг мулк ҳақидаги қарашлари // Ўзбек тили ва адабиёти.– 2001. – №4

⁸ Пардаева И. Алишер Навоий тарихий асарлари бадиияти: Филология фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD)диссертация автореферати. – Самарқанд: 2018.– Б.22.

хусусиятлари, салафлар анъаналарининг давом эттирилиши ва янгиликлари, муаллифнинг поэтик маҳорати ташкил этади.

Тадқиқот усуллари. Тадқиқот мавзусини ёритишда қиёсий-типологик, қиёсий-тарихий, структурал-поэтик, қисман автобиографик тавсифлаш усулларида самарали фойдаланилди.

Тадқиқотнинг илмий янгилиги куйидагилардан иборат:

ижтимоий-сиёсий, бадиий-фалсафий ғоялар ифодасида Алишер Навоийнинг нафақат сўз санъаткори, балки етук тарихнавис сифатидаги ўрни ҳам аниқланган;

Навоий ва унинг салафлари ижодидаги тарихий шахс ва бадиий-тўқима образлар, уларнинг биографик маълумотлари, ижтимоий-сиёсий фаолиятидаги муштаракликлар ҳамда характер яратиш, ғоявийлик, бадиийликдаги фарқли жиҳатлар шоирнинг эпик, лирик, насрий асарлари асосида очиб берилган;

тарихий образлар мисолида “Шохнома”, “Қобуснома”, “Қутадғу билиг” каби бадиий-тарихий манбалар ҳамда халқ оғзаки ижодидаги давлатчилик асослари, ижтимоий адолат, шахс ва жамият муносабатлари, инсон эрки масалаларининг генетик куртаклари аниқланган;

хукмдорларнинг оилавий-маиший турмушидаги таназзули улар бошқараётган жамиятнинг инқирозига олиб келганлиги Навоий томонидан тарихий далил ва бадиий талқинлар асосида ифодаланганлиги исботланган.

Тадқиқотнинг амалий натижалари куйидагилардан иборат:

Шарқ халқлари адабиётида бадиий ижод ҳамда тарихнавислик анъаналари ва уларга Алишер Навоий муносабати белгиланган;

ўзбек мумтоз адабиётида тарихнависликнинг етакчи хусусиятлари ва бадиий ижод билан алоқадор бўлган етакчи жиҳатлари ёритилган;

Алишер Навоийнинг эпик дostonлари билан қиёсий ҳолда “Тарихи мулуки Ажам”нинг бадиий-эстетик, миллий ва умуминсоний ғоялари ҳамда ижтимоий-фалсафий жиҳатлари кўрсатилган;

тарих талқини ва поэтик ифода муаммолари тадқиқ этилган;

Алишер Навоий ижодидаги ижтимоий-сиёсий воқелик талқинлари, миллий давлатчилик асослари ҳақидаги қарашларнинг ўзбек халқи ижтимоий-фалсафий, сиёсий тафаккури ҳамда ўзбек мумтоз адабиёти тарихида тутган ўрни илмий-назарий жиҳатдан асосланган.

Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги муаммонинг тўғри қўйилганлиги, илмий муаммонинг ўрганилиш чегаралари аниқ белгиланганлиги, хулосалар илмий асосланганлиги, таҳлиллар қиёсий-типологик, қиёсий-тарихий, структурал-поэтик, автобиографик тавсифлаш ва таснифлаш воситасида олиб борилганлиги, назарий фикр ва хулосаларнинг амалиётга жорий этилганлиги, таҳлил жараёнида ўзбек мумтоз адабиёти ва замонавий ўзбек адабиёти табиатидан келиб чиқилганлиги, натижаларнинг ваколатли давлат муассасалари томонидан тасдиқланганлиги билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти. Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти шундан иборатки, чиқарилган назарий

хулосалар нафақат ўзбек, балки жаҳон адабиётшунослигида Навоий даври тарихнавислигига оид илмий қарашлар ҳамда бадиий тафаккурнинг синкретлашуви ҳақидаги тушунчалар ва мавжуд маълумотларни тўлдиради. Алишер Навоий ижодий меросидаги маънавий-маърифий ғоялар, тарихийлик ва бадиийлик уйғунлигининг ўрни ва аҳамияти борасидаги нуқтаи назарлар ўзбек адабиёти тарихи, ўзбек адабиётшунослиги тарихи, адабиётшунослик назарияси, матншунослик, навоийшунослик, тасаввуф ва мумтоз поэтика асослари фанларининг ривожига хизмат қилади.

Тадқиқот натижаларининг амалий аҳамияти мумтоз эпик ва лирик асарлардаги образлар генезиси, рамзий маънолар ташиши ҳамда уларнинг зоҳирий ва ботиний маъноларини англашга кўмаклашиши билан белгиланади. Тадқиқот келгусида яратиладиган илмий ишлар ривожига муҳим манба бўлиб хизмат қилади, шунингдек, таълимнинг турли босқичларида ўқув қўлланма вазифасини бажариши мумкин. Диссертация янги Ўзбекистон шароитида адабий-маданий меросга янгича ва холис ёндашув ифодаси сифатида маънавий-маърифий, адабий-эстетик жиҳатдан аҳамиятли.

Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши. Алишер Навоийнинг темурийлар Уйғониш даврининг фаол ижтимоий шахси сифатида XV асрнинг ижтимоий, сиёсий, ахлоқий, маданий, маърифий муаммоларига фаол муносабати тадқиқи юзасидан олинган илмий натижалардан:

Навоий ва унинг салафлари ижодидаги тарихий шахс ва бадиий-тўқима образлар, уларнинг биографик маълумотлари, ижтимоий-сиёсий фаолиятидаги муштаракликлар ҳамда характер яратиш, ғоявийлик, бадиийликдаги фарқли жиҳатларига оид натижалардан Қўқон давлат педагогика институтида бажарилаётган №574097-ЕРР-1-2016-1-СУ-ЕРРКА2-СВНЕ-ЈР, “RUECVET: “Пилотирование Европейской системы перевода зачетных единиц (кредитов) для профессионального образования и обучения (ECVET) в национальных системах профессионального образования и обучения России и Узбекистана” (2016-2019 гг.) номли халқаро лойиҳада фойдаланилган (Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг 2020 йил 4 сентябрдаги 89-03-3073-сон маълумотномаси). Натижада ўзбек тили ва адабиёти ҳамда педагогика-психология таълим йўналишларида адабиётшунослик назарияси, адабиётшуносликка кириш, навоийшунослик соҳасини ўқитишнинг самарадорлиги ошган;

тарихий образлар мисолида “Шоҳнома”, “Қобуснома”, “Кутадғу билиг” каби бадиий-тарихий манбалар ҳамда халқ оғзаки ижодидаги давлатчилик асослари, ижтимоий адолат, шахс ва жамият муносабатлари, инсон эрки масалаларининг генетик куртаклари оид хулосалардан Қўқон давлат педагогика институтида бажарилган ModeHEE-“Институт ва университетларда соғлиқни сақлашга оид фанларни модернизациялаш” (2015-2018) номли халқаро лойиҳада фойдаланилган (Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг 2020 йил 4 сентябрдаги 89-03-3073-сон маълумотномаси). Натижада таълим жараёнида ижтимоий, сиёсий,

ахлоқий, маданий, маърифий муаммолар ечимини топиш усулларидан тўғри ва самарали фойдаланишга эришилган;

Алишер Навоийнинг сўз санъаткори ва етук тарихнавис сифатидаги маҳоратига оид хулосалардан Фарғона вилояти Ўзбекистон туман ҳокимлиги муассислигидаги “YOG‘DU-YAUPAN” телевидениесининг “Ўзбекистон тумани янгиликлари” лойиҳаси, “Истеъдод-қадрият” кўрсатуви сценарийларини тайёрлашда фойдаланилган (Ўзбекистон Республикаси Фарғона вилояти YOG‘DU-YAUPAN” телевидениесининг 2020 йил 12 майдаги 2010-сон маълумотномаси). Натижада мазкур лойиҳа ҳамда кўрсатувнинг бадиийлиги, илмийлиги ва оммабоплиги таъминланган.

Тадқиқот натижаларининг апробацияси. Тадқиқот натижалари 12 та илмий-амалий анжуманда, жумладан, 7 та республика, 5 та халқаро конференцияларда маъруза кўринишида баён этилган ва апробациядан ўтказилган.

Тадқиқот натижаларининг эълон қилинганлиги. Диссертация мавзуси бўйича 23 та илмий иш, жумладан, 2 та рисола, Ўзбекистон Республикаси Олий аттестация комиссияси томонидан докторлик диссертацияларининг асосий натижаларини чоп этиш тавсия этилган илмий нашрларда 7 та илмий мақола, жумладан, 4 таси республика ҳамда 3 таси хорижий журналларда нашр этилган.

Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми. Диссертация кириш, уч асосий боб, хулоса ва фойдаланилган адабиётлар рўйхатидан иборат бўлиб, унинг умумий ҳажми 152 саҳифани ташкил этади.

ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

Кириш қисмида мавзунинг долзарблиги ва зарурати асосланиб, тадқиқотнинг мақсади ва вазифалари, предмети ва объекти аниқланган. Тадқиқотнинг Ўзбекистон Республикаси фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги, унинг илмий янгилиги ва амалий натижалари баён этилган. Олинган натижаларнинг ишончлилиги асосланиб, ишнинг назарий ва амалий аҳамияти очиб берилган. Тадқиқот натижаларининг амалиётга жорий қилиниши, апробацияси, нашр этилган ишлар ва ишнинг тузилиши бўйича маълумотлар келтирилган.

Тадқиқотнинг биринчи боби “**Алишер Навоий адабий меросида ижтимоий-фалсафий мавзулар**” деб номланиб, унинг биринчи фасли “Тарих ва бадиий тахайюл” деб аталган. Алишер Навоий “Муҳокамат ул-луғатайн” номли асарида лирик ҳамда насрий усулда туркий тилида яратган дурдона асарларини фахр билан бирма-бир тилга олиб, қисқача шарҳлар экан, “Тарихи мулуки Ажам”ни “Хамса” дostonлари ҳамда “Хазойин ул-маоний” куллиёти таркибига кирган тўртта девонлари қаторида тилга олган. Бу масалага А.Ҳайитметов ҳам махсус тўхталган.⁹ А.Қаюмов эса Алишер Навоийнинг мазкур асарини унинг бадиий асарлари жумласига киритган. Дарҳақиқат,

⁹ Ўзбек адабиёти тарихи. Беш томлик. 2-том. – Тошкент: Фан, 1977. – Б.440.

асардаги мифларга оид тушунчалар ифодаси, афсонавий маълумотлар талқини, халқ оғзаки ижоди намуналари таъсири, айрим далил ва маълумотларга ижодий ёндашув ушбу асарни ўзига хос композицион тузилишга эга бўлган бадиий асар сифатида ўрганишга тurtки беради. Қолаверса, Эрон мамлакатининг қадимги пешдодий, каёний, ашконий, сосоний каби тўрт табақага мансуб шоҳлари тарихи ҳақида шоир “Хамса”нинг “Садди Искандарий” достонида ҳам махсус боблар ажратганки, “Тарихи мулуки Ажам” асарида акс этган ижодий тахайюл, адабий-бадиий талқинлар, адабий қаҳрамонлар бу асар ёзилмасдан бурун ҳам улуғ шоир хаёлини банд этган эди, дейишга асос бўлади. “Хамса”да тўрт табақага мансуб шоҳлар ҳақидаги маълумотлар охирида келтирилган фалсафий-эстетик умумлашмалар тарихга мансуб бўлган мазкур асарни ижодий тахайюл меваси, бадиий асар сифатида эътироф этилишига сабаб бўлган.

А.Ҳайитметов “Тарихи мулуки Ажам” асарининг яратилиш сабаблари ҳақида тўхталар экан, Навоийнинг “Хамса”си Эрон мифологиясига яқин турганини таъкидлаш баробарида туркий миллатни шундай тарихий асарларни енгил ўқиш ва ўзлаштириши учун ўзбек тилида “Эрон подшоҳлари тарихи”ни ёзишни зарур деб топганлигини қайд этган.¹⁰ А.Ҳайитметов “Тарихи мулуки Ажам”даги шеърлар ҳақида тўхталиб, буларнинг барчасида шоир юксак инсонпарварликни, ижтимоий адолатни куйлаш баробарида, бирон ҳукмдор фаолиятига муносабатини билдирганлигини таъкидлаб, асардаги ҳар бир шеър Навоийнинг, аввало, зукко тарихчи, донишманд, айна чоғда, сўзга масъулиятли шоир бўлганидан гувоҳлик беришини кўрсатиб ўтган. Асардаги тасвирланган воқеалардан маълум бўладикки, Алишер Навоий баёнчи воқеанавис эмас, балки ҳассос сўз санъаткори сифатида тахайюлга кўпроқ эрк беради: воқеа ҳамда ҳукмдорлар ҳаётини шундай кўрсатиш йўлини эмас, буларни бадиий тасвирлаш усулини тутади. Яна шуни қўшимча қилиш ўринлики, Алишер Навоий ҳукмдорлар ҳаёти ва фаолияти ҳақида сўз юритар экан, Шарқ халқларининг адабий-тарихий манбаларида кўп учрайдиган, халқ орасида машҳур бўлган ривоят ва ҳикоятларга батафсил тўхталиб ўтирмайди ёки “ижмол била” каби бир жумлада мухтасар маълумот бериш билан чекланади. Аммо “Тарихи мулуки Ажам”дан бир неча йил аввал ёзилган “Фарҳод ва Ширин” достонида ушбу тарихий шахслар ҳамда воқеа-ҳодисаларга ўзининг муносабати ҳамда шахсий мулоҳазаларини очик баён қилган. Мазкурлар масаласида Навоий салафларидан бошқа позицияда турган. Алишер Навоий эпик дostonларида тахайюл ва тасаввурлари, илҳом онларига эрк беради, ўзигача битилган далилларга муносабатини очик ва эркин билдиради ҳамда маърифий, ирфоний асос, фалсафий чашмаларга суянган ҳолда мантиқан кучли ва ўзгача шарҳ билан керакли хулосалар чиқаради.

Хулоса қилиб айтганда, улуғ шоир ва мутафаккир ижодий меросида акс этган нафақат ўз даври руҳини акслантирувчи, балки бутун инсониятга хос маиший муаммолардан тортиб, то ижтимоий-сиёсий ҳодисалар мазмун-

¹⁰ Ҳайитметов А. Навоий даҳоси. – Тошкент: Ф.Ғулом номидаги бадиий адабиёт нашриёти, 1970. – Б.78.

моҳиятини тарихий синчковлик, ўткир фалсафий нигоҳ, юксак бадий-эстетик мушоҳада орқали идрок этишимиз зарур.

Шу бобнинг иккинчи фасли “Етакчи пафос ва ғоявий-эстетик тамойиллар” деб номланиб, унда “Тарихи мулуки Ажам”даги етакчи пафос ва ғоявий эстетик тамойиллар борасида сўз юритилган. Биринчи галда, дунёвий хирсу ҳаволарга берилмаслик, ўткинчи умрни беҳуда нарсаларга сарфламаслик шоирнинг бир умрлик доимий шиори бўлган. Ўлимнинг ҳақлигини доимо ёдда тутиш, бинобарин, яхшилик билан ном қозонишга шошилиш унинг ҳаётий принципларидан бири эди. Ушбу муҳим масалага академик Ойбек XX асрнинг 40-йилларидаёқ диққатни қаратиб “Навоий ўз асарларида фалсафий мулоҳазалар билан шуғулланишни севади. Маълум бир туркум масалалар борки, шоир ўз ғазалларида ва дostonларида у масалаларга доимо қайтиб келади, мурожаат қилади, улар устида фикр юргизади. Бу масалаларнинг моҳияти нималардан иборат? Бу масалалар дунёнинг ва Худонинг моҳияти, энг сўнгги ҳақиқат (ўлим) масаласи, одам ақлининг таниш қобилияти, дин ва этика масалаларидир,”¹¹ деб жуда тўғри кўрсатган эди.

Алишер Навоий ўзининг “Тарихи мулуки Ажам” асарида турли тарихий шахслар, ҳукмдорлар ҳақида сўз юритар экан, ҳар бир қисса ё фикра охирида шеърӣ усул билан қиссадан ҳисса чиқаради. Бу усулдан кутилган муддао, мақсад мавжуд. Шоир ўқувчи диққат-эътиборини ягона битта нуқтага қаратади. Инсон жуда узок умр кўрган тақдирда ҳам, гарчи у Сулаймон каби бутун оламни ўзига бўйсундирса ҳам, охир-оқибат уни ажал кутади. Бундай олиб қараганда юқорида тилга олинган асарларнинг асосий ғоясини худди шу каби жиддий масала ташкил этгандек туюлади. Инсон абадий яшамайди, балки у қолдирган яхши от, эзгу номгина абадий, демоқчи бўлади шоир. Фақат бу асарларидагина эмас, балки тасаввуфга оид ғазаллари, қитъа ва рубоийлари, ҳатто фардларида ҳам Алишер Навоий бу каби жиддий ва мураккаб мавзуга ўзига хос услуб билан жиддий ёндашади.

Шоирнинг талқинига кўра, тожу тахт ва мулк соҳиби бўлган шахслар ҳар қанча фазлу кароматга, юксак мавқега эга бўлмасинлар, феъл-атворларидаги такаббурлик иллатлари уларнинг яхши амалларининг сояда қолиб кетишига, ҳукумат, мулк бошқаруви қўлдан кетишига ишора қилади.

Боб бўйича қуйидаги хулосаларга келиш мумкин. Алишер Навоий ўтмишда яшаб ўтган ҳукмдорларнинг ҳаёти ва ижтимоий – сиёсий фаолияти ҳақида “Хамса” дostonлари, хусусан, “Садди Искандарӣ”, “Сабъаи сайёр”да атрофлича тўхталган. Гап шундаки, дostonларда тарихий воқелик ва маълумотларни бадий тахайюл билан бойитган шоир, “Хамса” яратилгандан кейин яна тарих мавзусига қўл урган. Ўйлашимизча, шоирнинг муддаоси ўтмиш ҳукмдорлари ҳаёти ва фаолиятдан келиб чиқадиган сабоқ ва хулосаларни тарих фани асосида ҳам яна бир бор таъкидлашни мақсад қилиб қўйган.

Алишер Навоий ҳаётий-фалсафий тўхтамига кўра, оламда Тангридан бошқа ҳеч бир нарсани абадий, мангу деб бўлмади, манманлик эса “бақо

¹¹ Ойбек. Навоий гулшани. –Тошкент, 1967. – Б.127.

гули” бўлган инсонни заволга етаклайди. Аслида ҳам, шоир ўз ижодида ўткинчи ажуз дунёнинг сиру синоатлари, ҳаётнинг мазмуни, яшашдан асосий муддао нималигига эътибор беради. Инсон умрининг кўҳна тарихга нисбатан лаҳзалик эканлигига кенг тўхталади. Тадқиқот ишида “Тарихи мулуки Ажам”га алоҳида эътибор қаратилган ҳолда бу масала шоирнинг “Назм ул-жавоҳир”, “Насойим ул-муҳаббат”даги шу мазмундаги яратиклари билан қиёсланган тарзда ёритилган.

Диссертациянинг **“Ижтимоий воқелик, поэтик талқин ва тарихий ёндашув”** деб номланган иккинчи бобининг “Маиший таназзул ва ижтимоий инқироз масалалари” деб аталмиш биринчи фаслида “Тарихи мулуки Ажам”даги шу йўналишдаги масалалар Навоийнинг бошқа асарларига қиёсан тадқиқ қилинган. Алишер Навоийнинг маънавий-маърифий, ижтимоий-фалсафий ғоялар устувор бўлган дурдона асарлари нафақат ўзбек халқи, балки жаҳон ижтимоий-сиёсий, адабий-маърифий тарихида муҳим манбалардан биридир. Ўрта асрлар, хусусан, теурийлар давлатчилигининг асослари ҳамда жамиятни бошқарув тизимига доир айрим ижтимоий ғоялар, ҳаётий хулосалар, оилавий муносабатлар, тарбиявий-ахлоқий ўғитлар бугунги кунда ҳам ўз аҳамиятини йўқотмасдан келмоқда.

Улуғ шоир барча ижод намуналарида яхшилик қилиш даъваткори ҳамда комил ахлоқ тарғиботчиси сифатида намоён бўлади. Айниқса, соғлом оила муҳити, оила тутимида ва фарзанд тарбиясида ота-онанинг ўз муқаддас бурчига муносабати масаласи алоҳида ўрин тутаяди. “Ҳайрат ул-аброр”да эса мифологик талқин билан отани Қуёшга, онани эса Ойга, фарзандларни юлдузга менгзаб, уларнинг ота ва онанинг фарзанд тарбияси билан куну тун банд бўлишлари ҳақида мисралар битади, Фарҳоднинг отасига кўрсатган беҳад эҳтиромини китобхонга ибратли тарзда ифодалайди, шоҳ Искандарнинг ўлими олдидан бутун дунёни забт этиши аслида она оёғининг гардига ҳам арзимаслигига иқрор бўлишини таъсирли тасвирлайди. Алишер Навоий ана шундай тарихий ҳамда афсонавий шахслар образларидан ўзининг лирик кечинмалари, воқеликка муносабати, ижтимоий-сиёсий ғоя ва фалсафий қарашларининг бадиий ифодасида ҳам кенг фойдаланган. Адиб қандай асар яратмасин, қандай долзарб баҳсу мавзуга қўл урмасин, замирида ҳазрати инсонга бўлган чексиз меҳр-муҳаббат туйғуси, улуғворлик касб этган инсонпарварлик ғоялари кўзга яққол ташланиб туради. Навоийнинг тарихий воқелик асосида маънавий ва ахлоқий тарбияга катта эътибор бериши бежиз эмас, албатта. “Тарихи мулуки Ажам”да Хусрав ва Шеруя ҳақидаги маълумотлар, улар ўртасидаги муносабатларнинг падаркушликкача етиб борганлиги улуғ шоирнинг оилавий-маиший муаммоларни ижтимоий-фалсафий муаммолар билан боғлай олганлигини кўрсатади.

Ўзига замондош ҳукмдорларнинг маиший таназзули ижтимоий инқирозга олиб бораётганлиги, ота-болаларнинг бир-бирига қилич кўтариши мозийни чуқур билувчи донишманд, истикболни кўра оладиган етук давлат ва жамоат арбоби Алишер Навоийни изтиробга, ташвишга солгани табиий. Шунинг учун ҳам у гоҳ лирик шеърларида, гоҳ эпик дostonларида, баъзан эса тарихга

оид асарларида ота-ўғил низолари яхшиликка олиб келмаслигини, бебақо дунёда фақат эзгу ном билан боқий қолиш мумкинлигини муттасил таъкидлашдан ва уқтиришдан зерикмайди. “Халқнинг аниқ мақсад сари ҳаракат қилиши, давлатманд бўлиши, бахтли бўлиб иззат-хурмат топиши, жаҳонгир бўлиши ёки заиф бўлиб, хорликка юз тутиши, бахтсизликнинг оғир юкини тортиши, эътибордан қолиб, ўзгаларга тобе ва қул, асир бўлиши уларнинг ўз ота-оналаридан болаликда олган тарбияларига боғлиқ”, - деб ёзган эди XX асрнинг машҳур маърифатпарварларидан бири Абдурауф Фитрат¹².

Дарҳақиқат, Алишер Навоий баъзи фарзандлардаги ноқобилликларнинг илдизи нотўғри тарбияда, ҳаром лутқанда, покликка ва тўғрилиқка асосланмаган носоғлом оилавий ҳамда ижтимоий муҳитда эканлигини кўрсатиб беради. Масалан, ёмон, ноқобил феъл-атвори туфайли Шеруя отаси Хусравни, Абдуллатиф эса Мирзо Улуғбекни қатл эттириш даражасига етдилар. Гарчи Алишер Навоий “Фарҳод ва Ширин” достонида Хусравни Фарҳодга қарама-қарши қўйиб, унинг ножўя ҳаракатларини қаттиқ қоралаб тасвирлаган бўлса-да, бироқ унинг ўз ўғли Шеруя томонидан ўлдирилишини маъқулламайди. Шу сабабли ўзи гувоҳ бўлган воқеа, яъни Абдуллатифнинг падаркушлик фожиасини эслаб, айрим кўрган ё эшитганлари асосида қуйидагиларни ёзган:

“Абдуллатиф Мирзо савдои мижоз ва васвасий табъ ва девонасор киши эрди... Ўтар дунё маслаҳати учун донишманд ва подшоҳ отасини ўлтурди. Ҳар ойинаким, салтанат Шеруяга вафо қилганча анга қилди”¹³. Хуллас, улуғ мутафаккир яшаган даврда юз берган ижтимоий-сиёсий инқирозларнинг туб моҳияти ва илдизини ҳам оилавий, ҳам айрим шахслар қисматидаги бахтсизликлардан излайди.

Шу бобнинг “Давлатчилик асослари: тарих, воқелик ва ижодкор муносабати” деб номланган фаслида “Тарихи мулуки Ажам”даги давлатчилик масаласи, унинг тарихий воқелик билан боғлиқлиги ва буларнинг бадий талқини тадқиқ қилинган. Алишер Навоийнинг тарихга оид ҳамда бадий асарларида ўз даврининг мавжуд воқелиги, давр кишиларининг ҳаёти, юксак инсоний фазилатлари, миллий колорити, давр руҳи талқин этилган. Давлатни ижтимоий адолат асосида бошқариш, раиятга муносабат ҳақидаги қимматли поэтик талқинларида юрту улус ҳар бир давлатнинг асосий бойлиги деб кўрсатади, ижтимоий адолат ва улуғвор ижтимоий ғоялар талқинида у ўз даврининг донишманд сиймоси, ўткинчи дунё ҳою ҳавасларига берилмаган, Ҳақ йўлидан адашмаган улуғ зот сифатида намоён бўлади. Шунингдек, Алишер Навоий давлатчилик асослари акс этган ёки бадий талқин қилинган дурдона асарлари орқали шоҳу гадога баробар муносабатда бўла оладиган, ёш истеъдодларга беминнат ҳомийлик қиладиган, фан, адабиёт ва санъатнинг жуда кўп турлари равнақиға улкан ҳисса қўшган улуғ сиймо сифатида эҳтиромга лойиқ. Инсоният тарихидан маълумки, бирор давлат ёки

¹² Фитрат А. Танланган асарлар. –Тошкент: Маънавият,2009. – Б. 262

¹³ Алишер Навоий. Асарлар. 15 жилдлик, 12-жилд.–Тошкент: Бадиий адабиёт, 1966. – Б. 172.

салтанатнинг равнақи ҳам, таназзули ҳам ўша давлат ҳукмдори ва юқори лавозимдаги мансабдорларининг зукколиги ва донишмандлиги, сиёсий хушёрлигига ёки аксинча, қабихлиги ва калтабинлиги, ғафлатда қолишига ё мавжуд ҳокимиятнинг халқдан узоқлашишига боғлиқ бўлган. Мазкур фаслда Алишер Навоийнинг ана шундай қарашлари “Темур тузуклари”, “Бобурнома” сингари тузук ва мемуар асарлардаги ҳаётий ғоялар билан қувватлантирилди. Алишер Навоий ўзининг ижтимоий фаолияти, моддий маблағларини темурийлар сулоласининг охириги вакиллари билан бўлган Султон Ҳусайн Бойқаро давлатини мустаҳкамлашга йўналтирди. Шу билан бирга, мумтоз тарихнавис сифатида ўтмиш ҳукмдорларининг ҳаёт йўллари, ижтимоий-сиёсий фаолиятларини ёритишга, энг ибратли ва тарбиявий жиҳатларини саралаб, замондошларига ёхуд келажак авлодга етказишга бел боғлади. Алишер Навоийнинг тарихга оид, эпик ҳамда лирик асарларида муаллифнинг ўрта асрлар давлатчилиги хусусиятлари ҳақидаги тасаввур ва тушунчалари, мушоҳада ва орзулари тўлиқ мужассамлашган. Мутафаккирнинг қатъий хулосасига кўра, мамлакат ижтимоий адолат туфайли гуллаб-яшнаса, зулм туфайли залолатга юз тутари, барбод бўлади. А.Ҳайитметовнинг куйидаги фикрлари буни яққол тасдиқлайди: “Тарихи мулуки Ажам”нинг муаллифи ўз олдида асосий вазифа қилиб подшоҳларнинг шахсий ҳаётларини ёритишни эмас, балки уларнинг жамиятга, халқ ва мамлакат манфаатига муносабатларини кўрсатишни кўйган.

Табиийки, Алишер Навоийнинг олам ва одам, табиат ва жамият, шахс ва давлат ҳақидаги табиий-илмий, ижтимоий-сиёсий, фалсафий, ҳуқуқий, диний қарашлари у яшаган даврдаги ижтимоий муҳит заминидан ҳамда ўзидан аввалги асрларда яратилган маънавий бойликлар, тамаддуний асосда шаклланди ва ривожланди.¹⁴ Аини масалалар шарҳи диссертацияда “Садди Искандарий”дан ташқари “Муншаот”, “Маҳбуб ул-қулуб” сингари асарларида ҳам эътиборга олинганлиги ҳақида маълумот фикрлар айтилган. “Тарихи мулуки Ажам”да ҳам, “Садди Искандарий” достонида ҳам таҳлилга тортилган ҳар бир тарихий шахс тимсолидаги бадиий образ, Алишер Навоийнинг ғоявий ниятига кўра, ўз ўрни ҳамда мавқеига эга. Бу образлар характеридаги турли қирралари билан мантиқан бир-бирини тўлдиради, умумий мақсад ва ғояга хизмат қилади. Шоир ва мутафаккир ижодидан диссертацияда келтирилган кўплаб намуналар Навоийнинг элпарвар давлат тизимини вужудга келтириш, жамият равнақи учун ижтимоий адолатни мустаҳкам асослар устига куришга даъватини ифодалайди.

Ҳар бир тарихий шахснинг атрофлича тасвири, воқеалар тафсили, баён услубининг равонлиги, тилининг аниқ ва соддалиги, ижтимоий-сиёсий атамаларнинг ўрни билан қўлланиши айрим тарқоқ факт ва деталларни ягона мақсадни янада чуқур очиб беришга бўйсундириб тасвирлаш Алишер Навоий услубининг ўзига хос муҳим хусусиятларидандир.

Боб бўйича куйидаги илмий хулосаларга келинди. Улуғ шоир ва мутафаккир ўз даври ижтимоий воқелигининг бевосита иштирокчиси ҳам эди.

¹⁴ Ҳайитметов А. Навоий даҳоси. – Тошкент: Ғ.Ғулом номидаги Адабиёт ва санъат нашриёти, 1970. – Б.79.

Бинобарин, давр ва муҳит муаммолари уни бефарқ қолдирмаган. Шунга кўра, давлат арбоби, сўз санъаткори сифатида ижтимоий воқеликка муносабатини ҳам амалда, ҳам ижодий фаолияти билан намоён этиши табиий эди.

Шунинг учун ҳам Алишер Навоийнинг ижтимоий воқелик, давлатчилик асослари акс этган илмий, бадиий ҳамда тарихга оид асарлари нафақат Марказий Осиё, балки жаҳон ижтимоий-сиёсий, адабий-маърифий воқелигида муҳим манба бўлиб қолмоқда.

Тадқиқотнинг учинчи боби **“Ижтимоий-сиёсий қарашларнинг насрий ва назмий ифодаси”** деб номланиб, унинг дастлабки фасли “Насрий ва назмий ифоданинг услубий жиҳатлари” деб юритилган.

Табиийки, наср кўпроқ тафсилотларни, эпик баённи талаб қилади. Кўп фикрни оз ҳажмда бера олиш, бадиий-эстетик таъсир кучини қувватлантириш, хотирага тез ўрнашишини таъминлаш учун эса шеърят қулайроқдир. Шундай бўлса-да, Алишер Навоий ўзининг давр, ижтимоий воқелик, сиёсий жараён, давлат хизматида орттирган бой ҳаётий тажрибалари асосида пайдо бўлган жиддий фикр-мушоҳадаларини, зарур хулосаларини насрий усулда ҳам таъсирчан ифодалаган. Жумладан, унинг “Тарихи мулуки Ажам” асари ҳақида ҳам юқоридаги мулоҳазаларни айтиш мумкин. Бошқа томондан, Навоий ўз замонасининг аксарият муаррихларидан фарқли равишда, ҳар бир воқеа-ҳодисадан, тарихий шахслар фаолиятдан ибратли жиҳатларни излаганлиги мазкур асарга алоҳида фасоҳат бағишлаган. Диссертацияда кўплаб манбаларга суянилган ҳолда назм ва шеър орасидаги тафовутлар ҳақида ҳам илмий-назарий мулоҳазалар юритилган, ҳамда А. Рустамов¹⁵, А. Ҳайитметов¹⁶ қарашларига муносабат билдирилган. Алишер Навоий шеърятини намуналарини талқин этиш, шарҳлаш ҳақида сўз борар экан шоир мурожаат қилган ижтимоий ғоялар ифодасига йўналтирилган бадиий восита ва усуллар, поэтик санъатларни четлаб ўтиб бўлмайди. Бадиий санъатлар, восита ва усуллар лириканинг табиатига хос бўлган ихчамликни таъминлашда, ижтимоий фикрни образли, таъсирли баён этишда, энг муҳими, шеърхонга эстетик завқ бағишлашда муҳим аҳамиятга эга. “Тарихи мулуки Ажам”нинг Доро ибн Дорога бағишланган қисмида тазод санъатининг ажойиб намунасини қўллаш орқали фалак Дорога ажал захрини берганидек, шоҳ Искандарга абадий яшаши учун оби ҳаётни раво кўрмаганлиги ғоят моҳирона бадиий ифодаланган. Алишер Навоий адабий меросида талмех санъатига объект қилиб олинган машҳур шахс ёки ҳодиса ўзининг янги-янги қирралари билан бадиий таҳлилга тортилади. Шоир талмех сифатида келаётган тарихий шахс ҳамда адабий қаҳрамонларни ўз лирик қаҳрамонининг рухий кечинмаларини батафсилроқ тасвирлаш, қиёслаш учунгина хизмат қилдирмасдан, балки ўша шахс ёки қаҳрамонлар ҳаётига оид энг таъсирли ва драматик нуқталарни, бадиий миниатюраларни танлаб олади. Шу билан бир қаторда улар фаолиятдан келиб чиқадиган зарур хулосаларни маънавий ҳамда ахлоқий-тарбиявий томонга маҳорат билан йўналтиради. Шарқ

¹⁵ Рустамов А. Навоийнинг бадиий маҳорати, – Тошкент, 1979.

¹⁶ Ҳайитметов А. Навоий лирикаси. – Тошкент, 2015. – Б.160.

халқлари адабиётида маълум ва машҳур бўлган ана шу каби тарихий шахслар Алишер Навоийнинг ижодий тафаккури, қалами орқали ёрқин лирик образларга айланадилар:

*Осиё йўқ жони ширин берса Фарҳод,
Чу Ширин лаълидин ком олди Парвез*¹⁷

